



Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикада маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида уларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишдаги муваффақияти ва масъулиятини оширишга қаратилган сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш ишбилармонлик фаоллигининг ўсишига, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга инвестицияларни жалб этишга тўқинлик қилаётган тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон Фармонида мувофиқ:

а) 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилмоқда:

кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узок муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-қўнғилчорлар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) куриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш;

б) қуйидагиларга:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимлигига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узок муддатли ижарага бериш;

Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Коракалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3067-сон қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

2. Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августгача Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи эксперимент (кейинги ўринларда эксперимент деб юритилади) ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокара-лар аяунлари бўйича инвестиция шартномаларини тузиш орқали Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида соддалаштирилган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун доимий эгалик, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини тақдим этиш имконияти;

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокара-лар аяунлари бўйича инвестиция келишуви асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат мулки объектларини, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектларни уларнинг майдони ҳажимдан қатъи назар бериш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари билан давлат-хусусий шерикли-ни жорий этиш назарда тутилган соҳалардаги объектлар бундан мустасно;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини ишончли бошқарув шартномаси асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бозорлар ва савдо комплекслари устав капитали (фонди)даги улушларини уларнинг баланс қиймати ва ходимлари сонидан қатъи назар, хусусий тадбиркорлик субъектларига фаолият йўналишини сақлаб қолиш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шарти билан бериш, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг ижро этувчи органи функцияларини шартнома асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бизнесни ташкил этиш ва юритиш учун бериш. Бунда ҳар бир туманда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг улуши бўлган битта маҳаллий бозор сақлаб қолиниши назарда тутилсин;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат-хусусий шериклик шартларида автомобиль йўллари бўйлаб пуллик автомобил тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобил сақлаш жойларини куриш дастурларини тасдиқлаш;

энг юқори ижара тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини таклиф этган, асосан йўл ҳаракати соҳасида инновация лойиҳаларини амалга оширишда тажрибага эга тадбиркорлик субъектларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган, шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларида туташ ҳудудларда жойлашган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларини давлат-хусусий шериклик шартларида 10 йилга қадар муддатга ижарага бериш.

3. Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказишнинг мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (А.Н.Арипов) зиммасига:

Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкаларини ажратиш, давлат мулки объектларини реализация қилиш ва ижарага бериш бўйича қарорларини қабул қилиш учун кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш масаласини, шунингдек, амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари ва давлат-хусусий шериклигининг асосий шартларини тезкорлик билан келишиш ва маъқуллаш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экспериментни ўтказиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал қилишга амалий кўмаклашиш бўйича фаолиятининг аниқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш, бюрократизм ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тезкор чоралар кўриш; экспериментни сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, эксперимент доирасидаги барча масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва улар юзасидан келишилган қарорлар қабул қилиш юқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ эксперимент доирасида:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар ҳафта инвестор кўни ўтказилади, унинг доирасида, қанда тарихида, Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг инвестиция шартномаларини тузиш, уларга ер участкалари ажратиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат мулки объектларини бериш бўйича инвестиция таклифлари кўриб чиқилади ҳамда тегишли маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг сайтига жойлаштирилади;

инвестиция фаолиятини олиб бориш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра ер участкалари бериш инвесторга ер участкасини бир йилгача муддатга (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб узайтириш имконияти билан) дастлабки захиралаш шарти билан амалга оширилади, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар инвестор томонидан бажарилганидан сўнг ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи расмийлаштирилади. Инвестор томонидан зиммасига олинган мажбуриятлар инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар ва муддатларга мувофиқ бажарилмаганда ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилинади;

► Давоми 2-бетда.

ТОҶИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКISTONGA ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон 2018 йил 17-18 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Давлат раҳбарлари мунтазамлик касб этган олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон мулоқотининг давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг, унга узок муддатли ва кенг қўламли тус беришнинг устувор йўналишларини белгилаб оладилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашадилар.

Музокара-лар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани, турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги аънавий қардошлик алоқаларини

муштақамлашга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар тўпламини имзолаш режалаштирилмоқда.

Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи дастуридан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов, Бош вазир Абдулла Арипов билан учрашувлар ўтказиш, Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш ҳам жой олган.

ЎЗА

«Нури дийда — тожи сар»

«ДУНЁДА ДИЙДОРДАН АЗИЗРОҚ НЕЪМАТ ЙЎҚ ЭКАН»,

— дейди Республика тожик миллий маданий
маркази раиси ўринбосари, «Овози тожик»
газетаси бош муҳаррири ўринбосари
Тожибой ИКРОМОВ

— Бундан биз бир гуруҳ журналистлар яқинда Тожикистонга борганимизда юрак-юракдан ҳис қилдик. Мен ўзим Тожикистон давлат университетида ўқиганман, у ерда дўсту қадрдонларим кўп. Лекин узок йиллардан буён борди-келди йўқлиги туфайли улар билан кўришолмаганим. Бизни кўриб, шундай хурсанд бўлишди, жуда соғинишган экан. Ҳаммалари икки давлат ўртасидаги чегаралар очилганидан, тўсиқлар олиб ташланганидан мамнуликларини ихсдор қилишди.

Қаёққа борсак, бизни азиз меҳмон сифатида олий даражада қутиб олишди, туман, вилоят раҳбарларининг ўзлари олиб юришди. Хатлон вилоятининг Қўлоб шаҳрида 52-умумтаълим

мактабида ўзбек ва тожик синфлари бор экан. Мактаб жамоаси бизни жуда самимий қутиб олди. Ўқувчилар ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ўқиб беришди.

Шунда бир воқеа бўлди. Томошадепа деган маҳаллада ўзбек-тожик оила-лар яшаркан. Ҳаммаси бир-бири билан иноқ, қанда-анда, қон-қариндош бўлиб кетишган. Гарчанд биз борадиган жойлар ташриф дастурида аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, ўша ерда шайдидан бир отахон: «Йўзимизга бирро-ва бўлса ҳам кириб кетасизлар. Меҳмон атоий худо», деб оёқ тираб олди, раъйини қайтаролмадик.

► Давоми 4-бетда.

БИРЛАШГАН ЭЛ

(Тожикистонлик шоир Ҳасан Ғойиб
шеърига тазмин)

Бирлашган дарёлардан уммонлар яралгайдир,
Орзу ҳам армонлардан осмонлар яралгайдир.
Эл қутган даҳолардан давронлар яралгайдир,
Эл қутган янги даври давронларга тасанно,
Юрт тинчлигини ўйлаган ўғлонларга тасанно.

Бирлашмаган эл доим хор бўлар, талош бўлар,
Бундай элнинг бағри доғ, кўзларида ёш бўлар,
Бўлар элнинг мардлари қарвонларга бош бўлар,
Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно,
Юрт тинчлигини ўйлаган сорбонларга тасанно.

Бу дунёда мард зотлар мардларни бирлаштиргай,
Эзгу орзу-ниятлар қалбларни бирлаштиргай,
Мардлар йўлбоши бўлса, халқларни бирлаштиргай,
Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно,
Юрт тинчлигини ўйлаган посбонларга тасанно.

Эсгандай Зарафшонун Бадахшондан шамоллар,
Эл кўнглида уйғунор эзгу фикру хаёллар.
Дунё тургунча тургай, ҳеч кўрмайгай заво-
ллар,
Эл дардини англаган инсонларга тасанно,
Юрт тинчлигини ўйлаган ўғлонларга тасанно.

Оғамдирсан, инимсан, синглимдирсан жонажон,
Гул хандон, чехра хандон, уйларингдир чарогон.
Ғам кўрмасин ҳеч қачон, дуо айланг, онажон,
Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно,
Юрт тинчлигини ўйлаган султонларга тасанно.

Пойқадам қутлуг дер халқ азал раҳнамо-
лардан, Бошларидан нур ёгсин тобад са-
молардан, Асрагил шу мулкларни ба-
лою қазолардан,
Эл дардини англаган инсонларга тасанно,
Юрт тинчлигини ўйлаган ўғлонларга тасанно.

Сироҷиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Давра суҳбати

БИЛИМСИЗЛИК ВА ТАРБИЯСИЗЛИК ЖИНОЯТНИНГ ИККИ ЙЛДИЗИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 27 июль кунин ўтказилган видеоселектор йиғилишида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ички ишлар органлари ва давлат идоралари, шунингдек, жамоатчиликнинг масъулиятини янада ошириш, ойникса, ёшлар орасида жиноятчиликка йўл қўймаслик масалалари бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.



Шу кунларда видеоселектор йиғилишида кўтарилган долзарб муаммолар юзасидан жойларда қизгин муҳокама-лар бўлиб ўтмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Кўни кеча тахририятимизда ҳам «Жиноятчиликнинг сабаб-лари ва унга қарши кураш йўллари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда турли касб эгалари ва депутатлар иштирок этди.

Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов олиб борди.

— Бугунги «Давра столида» жамиятимиз учун ўта долзарб бўлган масала бўйича фикрлашиб олишга йиғилганмиз. Ҳеч ким ондан жиноятчи бўлиб туғилмаганидек, ҳеч бир жиноят ўз-ўзидан содир этилмайди. Ҳар бир жиноятдан эса одамлар ва жамият зиён-заҳмат кўради, қонун бузилади.

Бугун жамоатчиликни қийнаётган, ташвишга солаётган савол битта: жиноятчилик содир этилишининг сабаб-лари нимада, жиноятчиликнинг олдини олиш қимларга ва нималарга боғлиқ?

Ушбу масалаларга жавоб ахтарсак, жиноятчиликнинг олдини олишга ўз муносабатимизни билдирсак, тинчлик-осойиштагимиз, фарзандларимиз тарбияси, тақдири ҳақида қайғурган бўламиз, деб ўйлаймиз.

► Давоми 2-3-бетларда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини ўз балансида сакловчилар томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги сўров жўнатган вақтдан кейин бир ой мuddатда фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини ташкил этиш, объектни аниқ ижарага олувчиларга бериш, аниқ инвестор (шерик)ни жалб этиш чоралари, шунингдек, фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ мuddатлари ва молиялаштириш манбалари назарда тутилган таклифларнинг тақдим этилмаганлиги Тошкент шаҳри ҳокимининг фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини инвестиция қилишуви асосида реализация қилиш ёки бериш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш учун асос бўлади;

кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари тақдим этиш, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини реализация қилиш ёки бериш масалалари бўйича қарорини қабул қилиш учун рўйбга чиқариш таклиф этилган инвестиция лойиҳаларининг кўрсаткичларини Ишчи гуруҳ томонидан келишиш ва маъқуллаш ўн иш кўни давомида амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, қўриб чиқиш, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда ўн иш кўни давомида, шу жумладан, электрон шаклда амалга оширилади;

Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг ваколатлари Тошкент шаҳар ҳокимига ўтади, у мазкур ваколатларни кичик саноат зоналари дирекцияларига қисман ёки тўлиқ бериши мумкин;

муайян инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдончасидан ташқаридаги зарур ташки муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджети маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 октябрдан:

автомобилтранспорт воситаларини вақтинчалик саклаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби бекор қилинади, улар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда ягона солиқ тўлови ёки бошқа умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтказилади;

автомобилтранспорт воситаларини вақтинчалик саклаш хизматлари, жойлашувида қатъи назар, юридик шахслар томонидан автомобилтранспорт воситаларини вақтинчалик саклаш жойлари солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берадиган видеокузатув ва автомобилтранспорт воситалари кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш тизими билан жиҳозланганда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси автомобилтранспорт воситаларини вақтинчалик саклаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг тушумлари тўлиқлиги устидан тизимли назорат ўрнатсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимига хорижий инвестор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча солиқ ва боғжона имтиёзлари ва преференцияларини бериш талаби қўйилмаган тақдирда 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК «САР» авиакомпаниясининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Райхон қўчасида жойлашган биналари, иншоотлари ва бошқа инфратузилмасини уларга туташ 101,64 гектар майдон билан биргаликда кейинчалик топширилаётган объектлар негизига «Индустриал парк» кичик саноат зонасини ташкил этиш шарт билан қабул қилиш ва топшириш далолатномалари асосида Тошкент шаҳар ҳокимлигига берадиган бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) бизнес юритиш учун энг мақбул шарт-шароитлар ва қулай инвестиция муҳитини яратиш, туманлар кесимида Тошкент шаҳрининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш учун зарур ташкилий тадбирларни амалга ошириш мақсадида туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой мuddатда:

тегишли ҳудудларда мавжуд имконият ва шароитларни акс эттиришни назарда тутидиган Тошкент шаҳри ва туманларнинг инвестиция паспортларини;

инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий максadларини, устувор тармоқларни ривожлантириш чораларини, маданий ва ижтимоий объектлар ҳамда атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини сақлаш билан боғлиқ чекловларни белгилайдиган Тошкент шаҳрида ҳудудлар кесимида инвестиция муҳитини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, концепциянинг натижадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни;

масъул шахслар ва молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда инвесторларни аэропортлар, вокзаллар, ташриф буюриш объектларида кутиб олиш, кузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур транспорт ва техника воситалари билан таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин;

б) Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта мuddатда Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари фаолиятини жадаллашти-

риш, бўш турган ер участкаларидан мақбул тарзда фойдаланиш, улар негизига кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича, зарур ҳолларда Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳри Олмасор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманларига туташ ҳудудларда Тошкент шаҳрининг янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун ҳар бирининг майдони 20 гектардан кам бўлмаган ер участкалари ажратишни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) бир ой мuddатда Тошкент шаҳар ва туманлари ҳокимларининг, шунингдек, улар ўринбосарларининг салоҳиятли инвесторларни жалб этиш, хорижий ҳамкорларга инвестиция салоҳияти ва бизнес юритиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш учун учрашув ва музокаралар, шу жумладан, хорижий мамлакатларга сафарларнинг календарь режасини ишлаб чиқсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А.Артикходжаев зиммасига:

инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари томонидан шаҳарсозлик регламентлари ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича талабларга риоя этилиши;

юклатилган вазифа ва функцияларни сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажариш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал қилиш, бунда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигига ўз фаолиятида алоҳида эътибор қаратиш, ҳолислик ва очиклик принципларига риоя этиш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиш;

эксперимент доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида юзага келадиган давлат мажбуриятларини молиялаштириш манбалари билан таъминлаш;

ушбу Фармоннинг 8-бандига мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги;

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисми, маданий мерос объектлари ва атроф-муҳит қулай экологик ҳолатининг сақланиши, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, манзарали дараклар ва гуллар эккан ҳолда яшил ҳудудлар барпо этиш, дараклар ва ўсимликларнинг ноқонуний кесилишдан ҳимоя қилиш;

ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ва турли қонунбузарликлар (даракларнинг ноқонуний кесилиши, маданий мерос объектларига зарар етказиш ва бошқалар) билан боғлиқ фуқаролар муурожаатлари ва шикоятлари бўйича тезкор чоралар қўриш юзасидан масъулият юклансин.

10. Ишчи гуруҳ (А.Н.Арипов, С.Р.Холмуродов) Ишчи гуруҳ кун тартибига киритилаётган масалаларнинг тезкор қўриб чиқишини, шунингдек, юклатилган вазифа ва функцияларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

11. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой мuddатда турар жой зонасида жойлашган объектларни қайта ихтисослаштиришга рухсат бериш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда уй-жой ва меҳмонхона ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим объектларини, болалар муассасалари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва зарурати ҳисобга олинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Илоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда экспериментнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ва мониторинг ўрнатсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда эксперимент натижалари юзасидан ушбу Фармоннинг амал қилишини республиканинг бошқа ҳудудларига татбиқ этиш бўйича таклифлар киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳар ойда ушбу Фармонга мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини девоани Вазиirlар Маҳкамасига ахборот киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашиларига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда қўмаклашиш тавсия қилинсин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиоконпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу Фармоннинг қоидалари, мавжуд имкониятлар, инвестиция қилишувларини амалга ошириш натижалари ва давлат-хусусий шериклигининг афзалликлари кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А.Артикходжаев зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 15 август

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

БИЛИМСИЗЛИК ЖИНОЯТНИНГ



Асрор РЕЖАМатов,
Тошкент шаҳри, Миробод тумани ички
ишлар органлари фаолиятини мувофиқ-
лаштириш бошқармаси ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси бўлими профилактика
инспектори, капитан:

— Тўғриси айтганда, жиноятчилик асосан бепарволик, лоқайдлик оқибатида келиб чиқади. Болалар тарбиясига бепарволик, ён-атрофимиздаги воқеаларга лоқайдлик қўллаб жиноятларга сабаб бўлмоқда. Оддий мисол: қўшимчимиз маст ҳолда тез-тез кўрамиз, менга нима, деб ўйлаймиз.



Улуғбек РАЖАБОВ,
халқ депутатлари Мирзо Улуғбек туман
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси,
Мирзо Улуғбек касб-ҳунар коллежи
директори:

— Боланинг жиноят содир этишида, энг аввало, ота-она айбдор бўлади. Уларнинг қўлчилиги фарзандини моддий томондан таъминласам бўлди, қолганини мактабда ўрганиб олади, деб ўйлашади. Бу жуда хато фикр. Тарбияда мактабнинг ҳам, ота-онанинг ҳам ўз ўрни, мавқеи ва масъулияти бўлиши лозим.



Қобилжон МИРНИФМатов,
меҳнат фахрийси, ЎзХДП аъзоси:

— Эрак оиланинг моддий таъминоти учун жавобгар шахс ҳисобланади. У оиласининг фаровонлиги, болаларининг ҳеч нарсасга эриқмаслиги учун оғир меҳнатдан ҳам қўнмади. Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ота иш излаб, бошқа вилоятга ёки хорижга йўл олади. Фарзанд тарбияси эса онанинг зиммасига тушади. Бугун мана шундай оилаларда фарзандлар тарбиясида отанинг роли йўқлиги сезилиб қолмоқда. Муаммони эракларга хос босиқлик билан ҳал этиш ўрнига, оналар тезда ҳиссийта берилиб, боласи ёнини



Нигора БОБОНАЗАРОВА,
Андижон вилояти, Олтинқўл
туманидаги 51-мактаб директори:

— Менинг фикрим шундай: авваламбор фарзанд тарбиясида ота-онанинг

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ичкилик оқибатида икки киши уришиб, бир-бирига тан жароҳати етказди, яъни жиноят содир бўлади. Бу менинг муаммом эмас, деймиз. Спиртли ичимлик сотиш мумкин бўлмаган савдо дўконларини ҳам биламиз, лекин ҳеч кимга айтмаймиз. Жим юрамиз. Чунки ўша дўкондан зарурат юзасидан ўзимиз ҳам спиртли ичимликлар харид қиламиз.

Ичкилик сабабли арзимаган нарсасида тортишиб, йўқ жойдан жанжал чиқарганларни қўп кўрганмиз. Олган маошининг ярминини ичкиликка сарфлаб, оиласидаги етишмовчиликни унутган эракка уйига маст ҳолатда келиб, аёлини дўппослайди, демак жиноят содир бўлади.

Бугун ички ишлар ходимларининг жиноятчиликнинг олдини олишга муносабати ўзгарди. Биз ишни янгича ташкил этилди. Яъни маст ҳолатда уйга келиб жанжал чиқарган эрнинг масаласини маҳалла фаоллари билан муҳокама қилимиз. Бундан мақсад бошқа оилаларда ҳам шу каби воқеалар бўлмаслигини олдини олиш, фалончининг оиласида ичкилик оқибатида жанжал чиқиб, унинг масаласи маҳаллада муҳокама қилинибди, деган гап-сўзлардан бошқа оилалар ҳулоса чиқариб олади.

Видеоселектор йиғилишида жиноятларнинг 30 фоизи ёшлар томонидан содир эти-

лиши айтилди. Бу масала ҳаммамизни ташвишга солиши керак. Фарзандларимизга ота-онанинг, оиланинг ва мамлакатнинг келажиги, деб қарайдиган бўлсак, ёшлар томонидан қилинган ҳар бир жиноятга фавқултда воқеа сифатида қарашимиз керак бўлади. Олдинлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари эрталабдан «разводга» борган бўлсак, эндиликда мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларига бориб, ўқувчи ҳамда талабаларнинг давомадини текширишдан ишимизни бошламоқдамиз. Агарда ўқувчи ёки талаба бирон сабабга кўра дарсга келмаган бўлса, бунга аниқлик киритамиз. Ота-оналари қақиртирилиб, суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу каби ишларнинг йўлга қўйилиши давомадининг кескин ошишига ҳамда дарс вақтида ёшлар кўчада назоратсиз қолиб, қонун бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаслигига хизмат қилади.

Бундан ташқари, ички ишлар ходимлари, миллий гвардия ҳамда пост патрул хизмати билан ҳамкорликда кечки соат 22:00-23:00 ларда кўчада юрган ёшларни хизмат хонасига қақириб, кеч бўлганда нима қилиб юргани ва бундан ота-онанинг хабари бор-йўқлигини сўраб, уларнинг ота-оналари ёки яқин қариндошини қақирамиз. Мана шундай суриштирувларда уларнинг қўлчилиги ҳар қил баҳоналар билан ота-онани алдаб, кўчага чиқиб кетганлиги маълум бўлмоқда.

бераётганимизни, боламиз тарбиясига путур етказаяётганимизни биламизми? Бугун ота-оналар ўзларига мана шу саволларни бериб кўрса, мақсадга мувофиқ бўларди.

«Ота-она-маҳалла-мактаб» концепцияси ишлаб чиқилганидан барчангизнинг хабарингиз бор. Аммо мазкур концепция тўлақонли ишлапти, дея олмаймиз. Қоғозда барчаси аъло даражада. Баённомалар, ҳисоботлар ўз ўрнида, белгиланган меъёрлар асосида тўқис ёзилган. Амалда эса бу ҳужжат ижроси қўп жойда таъминланмапти. Акс ҳолда бугун жиноятчиликнинг 30 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келмаган бўларди.

Болани назорат қилиш ҳам тарбиянинг муҳим мезони ҳисобланади. Лекин бунга амал қилувчилар қамалғиб қолмоқда. Масалан, Юнусобод туманидаги бир мактаб ўқувчилари уйда туриб, интернет орқали ўйин ўйнашар экан. Энг ёмонини, ўртага пул тикилади. Ота-она хотиржам. Фарзанди уйда, ўз хонасида дарс қиляпти, деб ўйлайди. Унга ҳалакит бермаслик, безовта қўлмаслик учун боланинг хонасига кирмайди. Аслида эса биз қайси фандан, қайси мавзу ўтилганини сўрашимиз, керак бўлса, уй вазибаларни бирга бажаришимиз лозим.

Жазо мuddатини ўтаб қайтган шахсини атрофдаги одамлар қабул қилиши қийин кечади. Унга шубҳа билан қаралади. Собик маҳбус иш қилдирганда ҳам шу ҳолатда дуч келади. Амаллаб маҳалла ёрдамида ишга жойлашди ҳам дейлик, олаётган маоши рўзгорини тебратилшга етиш-етмаслиги билан ҳеч биримизнинг ишимиз йўқ. Ишга жойлаштириш билан вазифамиз ниҳоятга етди, деб ҳисоблаймиз. Аслида, ҳазо мuddатини ўтаб келганларга ўз ҳаётини йўлга қўйиб олгунарлик, маҳалла, қўни-қўшни, ички ишлар бўлиmlлари ҳамкорликда қўмаклашиши зарур. Қамалиб келиб ҳам ақли кирмади, яна жиноятга қўл урибди, деган ноҳуш гапларни эшитиб тураимиз. Аммо нега бундай бўлгани билан қизиқмаймиз. Президентимиз ҳар бир жиноят сабабини, илдинини билиш кераклигини бекорга айтмади. Жиноят сабабини билимай туриб, унга қарши курашиш самара бермайди.

Болани биров келиб тарбиялаб бермайди. Биламиз, ота-оналар туғилган кунга, тўйга, чойхонага, гапта боришни, қўнғил тусанган тадбирларнинг барчасига боришга вақт топади. Аммо, ўзлари дунёга келтирилган фарзанднинг тарбиясига бир минут ҳам вақт топа олмайдилар. Бу ҳақда сўрасангиз, ишлари қўнғилни рўқач қилишади. Ҳатто, шанба ва яшанба кўнлари ҳам болаларига вақт ажратилмайдилар.

Бир сўз билан айтганда, ўз вақтида фарзандини қизиқишини инобатга олиб, қўлидан етаклаб, спорт ёки фан тўғраракларига олиб борган, уларга таълим-тарбия берган ота-оналар ўз меҳнати рўқатини қўриб, эл-юрт олдида юзлари ёрўқ бўлиб, ҳурмат-иззатда юришибди. Вақтида фарзандларига эътибор қаратмасдан улфатчиликлардан бўшамаган ота-оналар эса бугун тинчлини йўқотиб, эътиборсизлигининг азобини тортмоқда, эл-юрт орасида бош кўтара олмай қолмоқда. Халқимизда ибратли нақл юради, «нимани эксанг, шуни ўрасан».

«ДУНЁДА ДИЙДОРДАН АЗИЗРОҚ НЕЪМАТ ЙЎҚ ЭКАН»,

— дейди Республика тожик миллий маданий маркази раиси ўринбосари,
«Овози тожик» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Тожибой ИКРОМОВ

Ўша ўзбек хонадонига кириб бораверишимизда оёғимиз остига узун пояндоз ташлашди, кейин уни яхши ниятлар билан ҳаммамизга бир парчадан бўлиб беришди. Дастурхон тўкин, ноз-неъматлар сероб. Дарҳол ош дамланди. Таомилга кўра, ош ейилмасдан, меҳмон ўрнидан туриб кетмайди, бу — хонадон шайнига одобсизлик ҳисобланади. Ҳеч эсимдан чиқмайди — дастурхонга дуо ўқилаётганида отахон бир гап айтди. «Нон-туз, оби овқат ҳамма ерда топилади, лекин дийдор топилабди. Ўзбек-тожик миллатини бирлаштириб турган мана шу минг йиллик дастурхонимиз бегона бўлмасин, илоҳ, қайта тикланган борди-келдимиз бардавом бўлсин!»

Қаранг, Кўлобда умргузаронлик қилаётган оддий бир халқ вакилининг кўнглидаги тилакларини, орзу-ниятларини. Бу аслида биргина отахоннинг эмас, икки халқнинг

энг муқаддас эзгу тилаклари-дир.

Бахтар шаҳрида Ургут маҳалласи бўлиб, 1,5 мингдан ортиқ аҳоли яшар экан. Улар бир пайтлар собиқ тузум даврида кўчириб олиб келинган экан. Бизни қарнай-сурнайлар билан кутиб олишди. Узоқдан эътиборимизни энг биринчи жалб қилган нарсаси — жуда катта ҳажмда тайёрланган баннерда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг кўришиб турган сурати бўлди.

Бу ерда Ургут маҳалласи чеварлари ва қўлигул усталари томонидан тайёрланган миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасини томоша қилдик. Энг қизиғи — ҳар бир санъат асарига — кашта-ми ё сўзана, сопол ёки чинни идиш, ёғоч ўймакорлиги — ҳамма-ҳаммасида Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмонларнинг биргаликда кўришиб турган киффаси акс эттирилганини кўрдик. Мана, халқ сонинининг узоқ йиллар юракларда

армон бўлиб ётган изҳори...

Маданияти ва маънавияти, адабиёти яқин бўлган давлатларнинг ўзаро алоқалари ҳам бардавом бўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кейинги икки йил мобайнида халқаро муносабатларда яқин қўшничилик алоқаларига алоҳида эътибор берилди. Қўшни мамлакатлар билан биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўп йиллардан буён ўз ечимини кутиб келаётганди. Чегаралар яқинидаги таранг вазият, бўлиб ўтган ноҳуш воқеалар нафақат давлатлар ўртасидаги муносабатларга, балки икки халқ ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Бугун ўзаро муносабатларда янги давр бошланаяпти. Ҳақиқатан ҳам, урф-одатларимиз қадриятлари, турли анъанаю байрамлари, дастурхони бир бўлган бу икки халқ атоқли давлат ва жамоат арбоби, севимли ёзувчимиз Шароф Рашидов таъбири билан

айтганда, бир қўшнинг икки қаноти, икки тилда сўзлашувчи бир миллатдир.

Тарихан қондош ва жондош бўлиб келган бу икки миллат ҳамкорлиги мамлакат даражасида қайтадан мустақамланаётгани албатта барчамизни қувонтиради. Ўзбекистон ва Тожикистон санъат, маданият, илм-фан арбобларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги келишувлар, Тожикистон билан тўғридан-тўғри авиақатновларнинг тикланганлиги, Душанбе — Тошкент, Душанбе — Кўлоб — Термиз йўналишидаги поездлар катновининг йўлга қўйилиши, ўзбек-тожик муносабатларида бутунлай янгича, ҳаётбахш босқични бошлаб бермоқда, ўзаро борди-келди алоқалари яхшиланмоқда.

2017 йилнинг 9-13 май кунлари Тожикистонда Ўзбекистон санъат ва маданият кунлари бўлиб ўтди. Ўша йили 10-14 октябрда эса Ўзбекистонда Тожикистон маданият кунлари ўтказилди. Тадбирлар доира-

сида Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ҳақида фотоқўргазма, икки томоннинг кино саноати маҳсулотлари намойиш қилинди. 2018 йилнинг майида Душанбеда икки мамлакат санъаткорлари билан ҳамкорликда «Дўстлик кечаси» ташкил қилинди. Тожикистон ва Ўзбекистон парламенти ўртасида «Дўстлар клуби» тузилди...

Навоий ва Жомий, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Ойбек ва Жалол Икромий, Шароф Рашидов ва Жаббор Расулов сингари улғ аждодларимизнинг умрбоқий дўст-биродарлик муносабатлари тарих зарваракларига муҳрлангандай бугун икки давлат Президентлари — Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон томонидан йўлга қўйилган янги яқин ҳамкорлик ва аҳил дўстлик алоқалари ҳам нақши нигор қилинажак, деб ўйлайман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелдаги «Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йил 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани бўлиб ўтади. Бу нуфузли тадбирда миллий мумтоз санъатимиз жозибаси намойиш этилади, маҳаллий ва хорижлик мусиқашунослар, олимлар, хонанда ва созандалар ўзаро фикр алмашади, «Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилади.

ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИ

унда мутлақ ғолибга 15 минг АҚШ
доллари берилади

Ўзбек миллий мақом санъати маркази маълумотларига кўра, анжуман доирасида бўлиб ўтадиган танлов ғолиблари Ташкилий қўмита томонидан диплом, статуетка ва пул мукофоти билан тақдирланиши белгиланган.

Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

«Гран-При» — 15 минг АҚШ доллари.

1-ўрин — яккахон ижро-

чи учун (хонанда ёки созанда) — 10 минг АҚШ доллари, ансамбль жамоаси учун — 10 минг АҚШ доллари.

Бу йўналишларда 2-ўрин соғирдорларга 7 минг, 3-ўрини кўлга қиритилганга эса 5 минг АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти берилади.

Анжуман доирасида фаол ижрочиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган «Энг яхши мақом хонандаси», «Энг яхши мақом созандаси», «Энг яхши мақом устози», «Энг яхши мақом тарғиботчиси», «Энг яхши мақом бастакори» каби номинацияларда ғолиблар ҳам муносиб тақдирланади.

ЎЗА

Табрик, реклама ва эълонлар



«ЎЗШАРОБСАНОАТ»

акциядорлик жамияти жамоаси


ХАЛҚИМИЗНИ

Мустақиллигимизнинг

27 йиллик байрами билан

муборакбод этади!

Хизматлар лицензияланган.



Ўзбекистон Республикаси Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

«Электромагнит мослашув маркази»

давлат унитар корхонаси жамоаси

барча қўмдошларимизни

Иштиқлол байрами билан табриклайди.

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини республикамиз ҳудудида олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат этиш лозимлигини эслатади.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри,	Нукус қўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.	Наманган шаҳри,	Марғилон қўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Андижон шаҳри,	Чўлпон шоҳ қўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.	Самарқанд шаҳри,	Сельский, Ўрташқий қишлоғи, ЭММХ, телефон: 230-64-80.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов қўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.	Термиз шаҳри,	Ат-Термизий қўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шоҳ қўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.	Гулистон шаҳри,	Мустақиллик қўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз қўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий қўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.	Урганч шаҳри,	Ал-Хоразмий қўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.
Навоий шаҳри,	Амир Темури қўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.		

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosi)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosi)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yatga olingan.

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838. 6759 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'za yakuni — 00:00.

Topshirilgan vaqti — 02:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

ISSN 2030-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6